

ШАРТНОМА № 2

20372521

(24.01.2022 йилдаги №18107 сонли лотта асосан машина ва механизмларда хизмат кўрсатиш тўгрисида)

Фарғона шахар

2022 йил «25» Январь

Фарғона туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўз Низомига кўра фаолият кўрсатувчи вакил А.Зикриев (Кейинги ўринларда БУЮОРТМАЧИ деб номланади) бир томондан ва “Қўрғон Сифат” МЧЖ ўз Низоми асосида иш юритувчи жамият раҳбари Ж.Мамажонов (кейинги ўринларда «БАЖАРУВЧИ» деб номланади) иккинчи томондан бўлиб қуидаги шартномани туздилар.

1. Шартнома мазмуни

1.1. «БУЮОРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ»га Механизм ва юк ташувчи транспортлар (кейинги ўринларда транспорт деб номланади) учун буюртма беради. «БАЖАРУВЧИ» буюртмага биноан механизм ва транспорт воситалари ажратади.

2. Томонлар мажбуриятлари

2.1 Томонлар шартномани амал қилиш даврида қуидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади.

- а) «БАЖАРУВЧИ» «БУЮОРТМАЧИ»нинг буюрмасига асосан техник жихатдан соз машина-механизм хамда транспорт воситаси ажратади;
- б) «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажариш даврида техника ва харакат хавфсизлиги коидаларига тўла жавоб беришни;
- г) «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар бўйича бирламчи хужжатларни расмийлаштиради ва тасдиқлаш учун «БУЮОРТМАЧИ» га тақдим киласи;
- д) «БАЖАРУВЧИ» буюртмани ўз вактида ва сифатли бажариб беришни кафолатлади.
- е) «БУЮОРТМАЧИ» кўрсатилган хизматлар учун “БАЖАРУВЧИ” га хизмат хақини тўлаш.

3. Шартноманинг баҳоси ва хисоб-китоб тартиби

3.1. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг “БУЮОРТМАЧИ” «БАЖАРУВЧИ» хисоб ракамига олдиндан шартнома кийматининг 30 % майдорида пул ўtkазиб беради.

3.2. Шартномага асосан кўзда тутилган хизматларнинг таҳминий киймати амалдаги нархларда ККС билан 952 100 000 (Тўқиз юз эллик икки миллион бир юз минг) сўмни ташкил этади.

3.3 Шартнома киймати очик хисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан чиқарилган норматив хужжатларга асосан ўзгариши мумкин.

3.4 Кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китоб механизмларга мото/соат, юк ташувчи транспортларга тн/км хисобида ҳақ тўланади.

3.5 Кўрсатилган хизмат хақини хисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 11-июндаги «Курилишда амалдаги нархларни асосли аникланишини таъминлаш тўгрисида»ги №261 сонли қарори, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитасининг 2003 йил 15-декабрдаги №75 буйруғи билан тасдиқланган «Курилишда ташишлар таннархини ва машина механизмларини амалдаги нархларини аниклаш методик кўлланмаси» бўйича аникланган нархларга асосланилади ва шунга кўра томонлар ўртасида (1-илова) келишув баённомаси тузилади ёки «БАЖАРУВЧИ» тақдим этган тегишли органлардан экспертизадан ўтказилган нархнома (калькуляция) лар асосида хисоб-китоб қилинади ва бу шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

3.6. «БАЖАРУВЧИ» хисобот ойининг 28 санасигача хисоб-фактура оркали кўрсатилган транспорт ва механизм хизматини «БУЮОРТМАЧИ»га тақдим киласи.

3.7. Томонлар ўртасида ўзаро хисоб-китобларни хар чоракда солиштириш далолатномасига асосан текшириб борилади.

3.8. «БАЖАРУВЧИ» нинг транспорт ва механизмларга «БУЮОРТМАЧИ» томонидан сарф этилган ёкилги ва мойлаш маҳсулотлари суммаси «БАЖАРУВЧИ» тақдим киладиган хисоб-варап фактурада чегириб хисоб-китоб қилинади.

4. Томонлар жавобгарликлари ва низоларни хал этиш тартиби

4.1 Ишлар, хизматлар кўрсатиш кечикирганлик ва тўловларни амалга ошириш муддатлари кечикирилган тақдирда айборд тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечикирилган хар бир кунга 0,4 фойз микдорида пеня тўлайди, бирок пеня микдори асосий карзни 50 фойзидан ортиб кетмаслиги лозим.

4.2. Бошка холларда тарафлар шартномавий мажбуриятларин бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномвий-хукукий базаси тўғрисида” ги Қонунда ва бошка конунчиллик хужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

4.5. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиккан низолар ўзаро келишув йўли билан хал қилинади, ўзаро келиша олинмаган низолар Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги доирасида суд орқали хал этилади.

6. Шартноманинг амал қилиниши

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

6.2 Шартноманинг кучини йўқотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътиrozларни нихоясига етказиб, хал қилиш учун таъсир қилмайди.

6.3 Шартномани ўзгартириш, кўшимча киритиш томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равища амалга оширилади.

7. Форс-мажор холатлари

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

8. Бошка шартлар


8.1. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва тарафларда бир нусхадан сақланади.

Томонларнинг манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари.

«БУЮРТМАЧИ»

Фарғона туман йўллардан
фойдаланиш унитар корхонаси

Фарғона шахар, Мустакиллик кучаси 350-г
й
Х/Р: 20210000900210835001, МФО: 00493
ИНН: 200197217, ОКОНХ: 61129
Миллӣй банк Фарғона булими

Директор:  А.Зикрияев

Бош хисобчи:  Ш.Мамуров

Юрист:  Ж.Вахобов

М.У.



«БАЖАРУВЧИ»

«Кўрғон Сифат» МЧЖ

Фарғона тумани Миндон қишлоғи Гузар
МФЙ Фурғон кўчаси 105 уй

Х/Р: 20208000305272628001

МФО: 01131 ИНН: 308511290

